



“17” март 2021 й. № 02-06/1250

**Ташқи реклама объектлари
(конструкциялари) эгаларига, ташқи
реклама билан шуғулланувчи
реклама агентликларига**

Нусхаси: **Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сонли қарори билан ташқи реклама объектлари (конструкциялари) жойлаштириш бўйича тартиблар тасдиқланган.

Жумладан, Ташқи реклама объектлари (конструкциялари) ҳавфсизлигининг умумий техник регламенти тўғрисидаги Низомнинг 37 бандида – ташқи реклама ва унинг воситаларини аҳоли турар-жой бинолари ойналарига бевосита яқинликда жойлаштириш, хонадон эгалари дам олишларига ҳалақит бермаслиги ҳамда ташқи реклама ўз ёруғлиги ва акси билан истеъмолчиларга ортиқча нокулайликлар туғдирмаслиги белгиланган.

Шунингдек, ташқи реклама ва унинг воситаларидан чиқаётган шовқин даражаси техник норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки қонунчиликдаги бошқа ҳужжатлар билан белгиланган шовқиннинг мумкин бўлган даражаларидан ошиб кетмаслиги керак.

Бироқ, айрим ҳолларда жойларда ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) тун вақтида меъеридан ортиқ ёруғлик тарқатиши, шовқин даражасини белгиланган нормалардан ошиб кетиши, аҳоли турар-жой бинолари ойналарига бевосита яқинликда жойлаштирилганлиги, аҳолини дам олиши ва ҳордиқ чиқариши учун ҳалақит бераётганлиги маълум бўлмоқда.

Ўз навбатида, ташқи реклама ва унинг воситаларини ёруғлик тарқатиш даражаси амалдаги меъёрлардан ошиб кетиши, аҳолини осойишта дам олишига тўсқинлик қилиши уларнинг ҳақли эътирозларига ҳам сабаб бўлмоқда.

Шу муносабат билан Сиздан, ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) юқоридаги қарор талабларига тўлиқ мослаштириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширишингиз сўралади.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов